

Мабодо менинг арзимас, факирул-хакир номам замонлар ва маконлараро келгуси авлодларга етиб борса, мабодо эй, келажакдаги ўқувчим, менинг кимлигим ва нималарни ёзганим сени сал-пал кизиктириб колса (аслида ўша замонларга исмим ва ижодим етиб боришига унчалик умид бўлмасам-да), мен хакимда чала-чулпа қандайдир заиф хабарлар ва миш-мишлар кулокка чалинса, одамлар менинг хакимда ё хаддан зиёд мактовлар айтса, ё хаддан зиёд ерга уриб гапирса, бу сўзларга шубха билан карасангиз, сизларга ойдинрок бўлсин деб, шул мактубни ёзмокдаман. Ростини айтсам, мен ҳам сизларга ўхшаган оддий бир одам эдим, насл-насабим баланд ҳам, жуда паст ҳам эмасди. Рим кайсари Август айтганидай, уруг-авлодим анча қадимий эди. Табиатимда ростгўйлик ҳам, камтаринлик ҳам йўқ эмасди, фақат айрим ёмон одатларим бу фазилатларимга путур етказарди.

Ёшлигим — гўрлигим мени алдади, йигитлигимда ўзимга бино қўйиб янглишдим. Қарилик аввалги ҳаётимдаги адашувларни тушу- нишимга ёрдам берди. Барча ёшдагилар ва барча замонлар ахлининг кўнглидагини билгич Тангрим менга англандики, ёшлигимизда биз бандалар қибру ҳавога берилиб, йўлдан адашган эканмиз, қариликда кеч бўлса ҳам, гуноҳларимизга тавба қилиб, ўзимизни англашимизга имконият берилар экан. Камина ёшлигимда бақувват бўлмасам-да, аммо хиёл чаккон, сергайрат эдим, чиройда ҳам кам эмасдим, олов йигитлигимда (қизларга) ёқар эдим, икки яногим ок-қизилу кўзим ўйноқи, бировга узок қараб қолувчи эди, аммо ёшим олтмишдан ўтганида нигоҳим бироз хиралашиб, кўзойнакка муҳтожлик сезилди. Ҳамиша дурқун бўлган жисмим қариликда заифлашди, қарилик лашқари — турли касалликлар баданим қалъасига ҳужум бошладилар.

Камина умримда бойлик, мол-дунёга хирс қўймадим, уни ёмон кўрганим учун эмас, балки мол-дунё топиш учун ўзимни ўтга-чўкка ургим келмасди. Катта базм, зиёфатлар қилиш учун бойлик топишга ҳам қизикмасдим. Дастурхоним эл қатори, камтарона эди.

Мехмондорчиликларга (аслида маст-аластлар базмига) ҳушим йўқ эди. Шунинг учун турли базмларга бормасдим, мехмон қутиб олишга вақтим ҳам йўқ эди. Аммо дўстлар даврасида ўтириш, бегубор шўхликлар менга ҳам ёқарди, улфатларим йўқлаб келса, севиниб қутиб олардим. Таомни иложи борица, кўпчилик билан баҳам кўрардим.

Дабдаба, ҳашаматни ҳушламас ва ортиқча даҳмаза деб ўйлаб, ёмон кўрардим. Турли кўнгилахушликлардан ўзимни тиярдим, уларни тинчлик, хотиржамликнинг душмани деб билардим.

Илк ёшлигимда Худои таоло менга покиза ва муносиб бир гўзал ишқини ато этди. Бу севги изтироблари узок давом этиши мумкин эди, аммо Тангри у гўзални ёшлигида, ниҳоллигида раҳматига олиб, бу ўлим мени севги оловида ёнишлардан ҳалос этди. Ростини айтсам, мен у кизга эҳтиросли вужудим билан ҳам интилардим, аммо кўнглимнинг бир чеккасида бу хирс, эҳтиросни лаънатлар эдим. Авжи қуч-гайратга тўлган қирчиллама ёшларимда ҳам мен манфурт у бан вужудий эҳтиросларимни жиловлаб ола билган эдим. Энди бошқа мавзуга ўтаман. Мен кўпроқ бошқаларни кадрлар, ўзимни ҳаммадан паст тутар эдим. Жаҳл-газабимни ҳам бошқаларга эмас, ўзимга сочардим. Табиатан жиззақи, жаҳлдор бўлсам-да, тез ўзимни босиб олардим, гина-қудурат ва кек сакламасдим, ёмонлик қилганларни унутиб, яхшилик қилганларни ёдда тутардим. Олижаноб дўстликни, дўстликка садокатни кадрлар эдим. Аммо, афсуски, инсон қариганида кўпчилик дўстларидан айрилиб, ёлғиз қолар экан.

Умрим давомида князлар ва кироллар каминага шунчалар иззат- хурмат кўрсатдиларки, бу баъзиларнинг хасадини келтирди. Шу сабаб- ли мени иззат-хурмат килган кудратли зотлардан узокрок юришни, хеч кимга боғланмай, эркин яшашни хуш кўрар эдим. Озодлигимни бўғиши мумкин бўлган одамларга нафратим чексиз эди. Энг буюк тождорлар (кироллар) менга иззат-хурмат кўрғаишда гўё мусобака килар эдилар, сабабини мен ҳам билмасдим, ўзлари ҳам билмасалар керак(2). Факат шуни билдимки, буюк киролларнинг менга мархамат кўрсатишлари каминага (ижодда) кулай имкониятлар тугдирди.

Камина аклу заковатим жуда ўткир эмас, ўзимга яраша бўлиб, эзгу ва нажоткор билимларни тез ўрганишга, маънавий-фалсафий билим- ларга, шеъриятга кўпрок кизикардим. Кейинги вақтларда шеъриятдан сал узоклашиб, фалсафий, диний, мукаддас, сирли илмларга рағбатим ортди. Шеърият энди мен учун хаёт беагаи бўлиб колди. Кадимги замонлар мени кўпрок кизиктира бошлади. Бу ташвишли замондан кўра (улугворликларга бой) ўтмиш замонларда тугилганимда яхши бўларди, деб ўйлайман. Шу боис тарихчиларнинг асарларини ўқишни яхши кўрардим, зеро, ўтмиш замонларда ҳам адоват, душманлик (киргин урушлар) мени хафа килса-да, хар холда бор хакикатларга, уларни ёзган мутафаккирларга ишонар эдим.

Ёзишда тилим анча равон, жонли, фасохатли бўлиб колди, император Август фасохат санъатини ўрганишга кўп вақт ва куч сарфла- ганлиги мени ажаблантиради. Ваъзларим тингловчиларга хуш келар эди. Аммо, ўрни ва тингловчиларнинг савиясига караб, нуткимни сал ўзгартирардим. Фикримча, нотикнинг кандай гапириши эмас, кандай умр кечириши мухимроқдир. Факат тил фасохати билан шухрат козониш мен учун ахамиятсиз эди.

Хуллас, камина Флоренцияда яшаб, кейин Ареццога кувгин килинган, ўртахол, деярли камбагал оилада тугилиб ўсдим (Шу ерда муаллиф ўзининг милодий 1304 йилнинг 20 июлида, душанба куни тугилганлигини эслатади — М.М.).

Кисман такдир, кисман иродам (феъл-атворим) такозоси билан шу кунларга етиб келдим. Тугилган жойим Ареццода бир йил ҳам бўлмаи, оиламиз Флоренциядан 14 минг кадам (деярли 14 км.) наридаги, Анцизга кўчиб ўтди. Бу ерда отамнинг мулки бор эди, шу ерда олти йил яшадим. Саккиз ёшимда онам кувгиндан кайтиб келгач, Пизода бир йил яшадик. Шундан сўнг Алп тоглари ортида, Галлияда, Рона дарёсининг чап сохилида, Авиньон шахрида турдик. Бу ерда Рим рухоний рахбари (Рим папаси) масихийлик динидаги учликни узок йиллар такиклаб кўйган эди. Бундан сал аввал папа Урбан V Исо Масихнинг мукаддаслигини кайта тиклади, сўнг бу ишидан афсусланди (Католиклар Исони Худонинг ўгли демайдилар – Тарж).

Болалигим ва ёшлигимнинг кўп йилларини Рона дарёси бўйларида ўтказдим. Албатта, бошка жойларга ҳам бориб-келиб турардим. Тўрт йил нарироқдаги Карпантра шахарчасида яшаб, ўқидим. Мактабда грамматика (сарф, нахв), диалектика (жадал) ва риторика илмлари- ни аклим етганича ўргандим. Сўнг тўрт йил Монпелье шахрида конун ва хукук илмини ўргандим, сўнг Болоньяда уч йил фукаролик хукуки курсини тугатдим. Кўпчиликнинг фикрича, мен шу сохани давом эттирганимда ёш бўлсам-да, кўп нарсаларга эришган бўлардим (3). Аммо мен бу илмларни отам ва онамнинг истаги билан ўргандим. Аслида бу илмлар жамиятда адолат ўрнатишга хизмат килиши зарур эди, аммо хокимият вакиллари бу конунларни нопоклик билан тинимсиз бузганлари сабабли халк учун фойдасиз бўлиб колган эди. Бу конунлардан нопок ишларда фойдаланиш менинг кўнглимга бегона эди, улардан хак иш учун фойдаланганларни тинч кўйишмас,

конунларни билмасликда айблар эдилар.

Хуллас, 22 ёшимда Авиньонга кайтиб келдим ва ижод килишга киришдим. Шу ерда шеърларим билан танилиб, шон-шухрат козона бошладим. Кўпчилик одамлар мен билан танишувга интилар эдилар, сабабини билмадим.(2) Аммо ёшлик гурури билан бундай шон-шухратга ўзимни муносиб деб билардим. Хусусан, Рим курияси (хокимияти) мажлисларини (окилона нутклари билан) безовчи давлат арбоблари Жакомо ва Жованни Коломна жаноблари мени хурматлаб, хомийлик кила бошладилар. Хозир бу иззат-хурматларни эслаб, хижолат бўламан. Машхур ва бекиёс Жакомо мен билан сал танишгач, Пиреней тоглари этагидаги Гаскон мулкига (дам олишга) таклиф этиб, ўзи билан олиб кетди. Жаннатмакон мулк сохиби ва якинлари мана шу ёз фаслида нафис сухбатлари билан мени шундай эркалатиб ардокладиларки, хамон у кунларни эсласам, юрагим орзикади. Шундан сўнг бу сафардан кайтиб, ул хазратнинг севимли биродари (укаси) Жованни Коломнанинг чорбогида яшадим. Улар мени жуда эъзозладилар.(3) Аммо кўнглимда Франция ва Германияга саёхат килиш иштиёки бор эди. Хомийларимга турли бахона-сабабларни кўрсатдим, аслида асосий сабаб — жахон кезиш (халк хаётини ўрганиш) эди. Шу саёхатимда аввало Парижга бордим, одамларнинг бу гўзал шаҳар хакида айтганлари тўғрими, хатоми эканлигини билмокчи эдим.

Париждан кайтиб, болаликдан буён кўришни орзу килганим — Римга бордим. У ерда мени азиз хонадон сохиби (Жакомо ва Жованниларнинг отаси) Стефано Коломна мени ўз фарзандидай кутиб олди ва беҳад меҳрибонликлар кўрсатди. Бу зот умрининг охиригача мендан меҳр-окибатини аямади. Менинг хам у кишига меҳр ва хурматим чексиздир.

Римдан кайтгач, (оиламиз учун кувгин жойи бўлган) Авиньонда бир кун хам тургим келмай колди. Излаб-излаб, охири, Авиньондан 12 чакирим олисда, теварак-атрофдаги барча булокларнинг манбаи бўлган Сорга булоги бўйида Тўгон деб аталувчи ширингина бир водийни топиб, 34 ёшимда севимли барча китобларим билан ўша ерга кўчиб ўтдим. Шу булок бошида мен кўп йиллар яшаб, нима ишлар килганимни ёзсам, хикоям жуда чўзилиб кетади. Хуллас, шу сўлим маъвода мен кўп йиллар яшаб, деярли барча асарларимни ёзганман, ўша вақтдан бошлаб кўйган баъзи ижодий гоёларимни хозир хам ўйлайман. Гўзал манзараларнинг ўзи мени “Буколика” (Чўпон кўшиклари) туркумидаги шеърларимни ёзишга илхомлантирди. Буни ва яна икки китобни мен ўша вақтда Кавалйонда кичик епископ бўлиб турган дўстим Филиппга бағишладим. У хозир Сабинада кардинал-епископлик хизматида. Менинг ёшликдаги эски дўстларимдан шу киши колди.

Бир куни ўша атрофдаги тоғларни кезиб, Африкали Сципион (Карфагенлик буюк лашкарбоши Ханнибални енгган Рим саркардаси М.М) хакида қахрамонлик руҳида бир поэма ёзишни ўйлаб колдим. Поэмани завк ва илхом билан ёза бошладим, аммо мавзу кийинлигидан уни тугатолмадим. Ёзилган қисмларини дўстларимга ўқишга берган эдим, шу сабабли “Африка” деб аталган бу поэма хали ёзилиб тугамай туриб, машхур бўлиб кетди. Ўша хилват, овлок жойда яшаётганимда (поэмани ўқиб) севинган хоқимият вакиллари билан бир кунда икки жойдан, Рим куриясидан ва Париж университетидан менга голиблик гулчамбарини бериш таклифини юборишибди. Бу иккала хушхабардан мен ёшлик гурури билан жуда севиндим. Ахир казо-казо мухтарам зотлар мени шу олий мукофотга муносиб кўришибди (6). У вақтда ўзимни бу шарафларга муносиб кўрардим. Факат бу икки таклифдан қай бирини танлашга кийналиб колдим. Маслахат сўраб, юкорида зикр этилган кардинал Жованни Коломнага мактуб юбордим, чунки у мен

турган жойдан энг якин масофада эди, шу кадар якинки, кечкурун ёзиб юборган мактубимга эртасига чошгоҳда, соат учларда жавобини олдим. У менга Римни танлашни маслахат берди. Аввалги мактубим ва бу маслахатни қабул қилганим хақида жавоб мактубим хозиргача сақланиб қолган. Ёшлигимга бориб, бу муқофотга ўзимни муносиб кўрсам-да, бошқа нозиктаъблар нима деркин, деб шу мазмунда маслахат олиш учун аввал Неаполга, буюк кирол ва файласуф Роберт хузурига бордим. Кирол Роберт олим, доно ва одил подшоҳ эди, бу ҳақда, ўқувчим, сен ҳам билсанг керак. Мен қандай яхши ният билан келганимни билиб, кирол Роберт севиниб кетди. Эҳтимол, бу ёш шоирнинг ишончини қозонгани ва шоирнинг шон-шухратига шерик бўлиш (тарихда қолиш) шодлиги бўлса керак. Хуллас, кирол билан бир неча кун суҳбат қурдик. У “Африка” поэмасини ўқиб, боши осмонга етгач, бу асарни унга бағишлашимни ўзи илтимос қилиб қолди. Мен, албатта, нозиктаъб кирол, файласуфнинг бу илтимосига йўқ дейишим мумкин эмас эди. Хуллас, гулчамбарни қимдан қабул қилиш масаласини кирол ва қамина бир неча кунларда, маълум вақтларда қизгин муҳокама қилдик. Кирол Роберт учинчи таклифни — дафна гулчамбарини ўзининг Неапол киролигидан олишни айтди. Мен бундай марҳаматга кўпдан-кўп миннатдорлигимни, аммо Рим шон-шухрати муҳимроқ, олийроқ эҳсанлигини тушунтирганимдан сўнг кирол Рим сенатига тавсиянома ва миннатдорчилик туйғулари ифодаланган мактуб ёзиб, менга йўлбошловчи-етақчилар қўшиб берди. Киролнинг бу шохона баҳосига ўша вақтда ўзим ҳам ишонардим. Аммо хозир буни ёшлик гурури ва гўрлиги деб биламан.

Хуллас, қамина Римга йўл олдим. Минглаб римликлар (сенаторлар, олимлар, шоирлар) қатнашган тантанали буюк шодиёна маросимида дафна гулчамбари бошимга қўйилди. Бу воқеалар хақида менинг хатларим, назм ва насрда ёзган асарларим сақланиб қолган. Дафна гулчамбари менга ҳеч қандай билим бермади, фақат ҳасадгўйларни кўпайтирди. Лекин бу ҳақда ҳам гапни чўзиб ўтирмайман, хозир бунинг ўрни ҳам эмас. Хуллас, шундан сўнг мен Пармага бордим, у ернинг ҳукмдорлари, Корреджо хонадони синьорлари бир-бири билан чиқиша олмас-да, барчаси менга олий даражада иззат-ҳурмат кўрсатдилар. Бу зотлар ҳукмдорлик қилган йилларда бошқарув шу кадар адолатли, халққа ғамхўрлик шу кадар ҳавас қиларли бўлганки, бу ҳақда хозиргача ҳамма гапиради, ўйлашимча, бизнинг замонада энди бу қаби адолатли бошқарув топилмайди. Менга ўша вақтда кўрсатилган ғамхўрликларни эсласам, бунга муносиб эмас эдим деб, хозиргача хижолат чекаман.

Кунлардан бирида тоғда (Пиреней тоғида) сайр қилиб юрганимда, Энца сойидан кечиб ўтиб, Режа водийсида шу кадар хушманзара жойларни кўрдимки, завқ-шавққа тўлиб, “Африка” поэмасининг давомини ёза бошладим. Аввал сўниб қолган илхомим қайта авж олди, аммо ўша қуни ва кейинги кунларда ҳам оз-оздан ёзиб, тўлдира бошладим. Ижодга қизиқиб кетиб, Пармага қайтдим ва чеккароқ, хилватроқ бир жойда тинчгина бир ховли-жойда (аввал ижарада яшаб), сўнг уни сотиб олиб, ўша ховлида поэмани охирига етказдим. Асарни жуда қисқа вақтда тугатганимга хозир ҳам ажабланиман. Шундан сўнг яна Алп тоғлари ортидаги Сорга булоғи бўйига қайтдим. Ёзганларим яна шухрат қозонгани сабабими, ҳар ҳолда ўша замондаги энг буюк, фозил, одил ҳукмдорлардан бири кенжа Жакомо Каррари (Падуга қироли) назарига тушибман. У, қаминага Алп тоғлари ортига ҳам мактублар ва одамларини юбориб, мени меҳмонга қақриб, қайта-қайта илтимос қилаверди. Мен энди жаҳон подшоҳларидан олисроқда, тинч ҳаёт кечиришни истардим, улардан ҳеч нарсани умид ҳам қилмас эдим. Охири бу киролга ҳурматсизлик бўлмасин, эҳтимол у ажойиб инсондир, деб, Пармага ҳамда

Веронага бориб, бир неча кун тургач, сўнг Падуяга йўл олдим. Падуя кироли мени самовий меҳмонни кўргандай, бенихоя иззат-хурмат билан кутиб олдики, буни сўз билан ифодалаш кийинлигини билиб, пинхон саклашга аҳд килдим.

Падуя кироли менинг ёшлик чоғларимда диний мансабга тайёрланганимни билар экан, шу сабабли у менга Падуя бош рухонийси (каноник) вазифасини таклиф килди. Аммо киролга умри вафо килмади. Икки йилдан сўнг само фаришталари уни чакириб олдилар. Бу бақосиз дунёда барча шодликлар, гўзалликлар ўткинчи экан. Агар шу киролга Тангри кўпроқ умр берганида менинг сарсон-саргардонлигимга ҳам чек қўйилган бўлур эди.

Кейинчалик ўйласам, у каби олижаноб инсонга бу дунё муносиб эмас экан.

Кирол Жакомо Каррари ўрнини ўзи каби оқил ва фазилатли ўғли эгаллади. У ҳам, отаси каби, менга кўп иззат-хурмат кўрсатди. Аммо отаси менинг тенгдошим ва дўстим, бетакрор инсон эди, унинг ўрнини ҳеч ким босолмасди. Шу кайгули ўйлар билан (киролнинг ўғлига миннатдорчилик билдириб), Падуяни тарк этдим ва беморларга хавони алмаштириш зарур бўлганидай, яна Францияга кайтдим, бу ерда аввал минг марталаб кўрган одамларни кўрдим, аммо кайгум таркалмади.

Изоҳлар

1. Франческо Петрарка замонида атокли дин арбоблари, епископлар фарзандлари бировларга зарар етказмаслиги учун уйланмас, оила курмас эдилар
2. Сабаби — шоирлик шон-шухрати, истеъдодни кадрлаш бўлган.
3. Парижликлар хаёти шоирга ёкмаган бўлса керак, шу боис бу шаҳар хақида сўз очмай кўя колган.
4. Шоир камтарлик килмоқда. Шон-шухратининг сабаби — севги хақидаги сонетларининг жозибасида эди.
5. Қадимги Рим империяси парчаланиб кетган, Византия-Шарқий Рим империяси ҳам салжук туркларига қарам бўлиб колганди. Италия ўша вақтларда Генуя, Неапол, Венеция, Падуя, Верона, Парма, Флоренция каби кичик мустикал кироликлардан иборат эди.
6. Қадимги Олимпия мусобақалари давридан колган дафна гулчамбари олтиндан ясалган. Бундай мукофотни Рим шоири Вергилий ҳам олган.

Рус тилидан Маҳкам Андижоний таржимаси
«Жаҳон адабиёти» журнали, 2012, 7-сон